

АБДУРАҲМОН ИБН ХАЛДУН ИЖТИМОЙ ҚАРАШЛАРИ ВА КОНФУЦИЙ ИЖТИМОЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7336827>

Сулаймонов Жасур Бахтиёрович

ТошДШУ Шарқ фалсафаси ва маданияти кафедраси катта ўқитувчиси

nihatchetin@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ислом тафаккурининг йирик вакили Абдурахмон ибн Халдуннинг ижтимоий қарашлари ҳамда Хитой фалсафий тафаккурининг йирик вакили Конфуцийнинг ижтимоий қарашлари қиёсий таҳлили муҳокама қилинган. “Асабийя” категорияси Халдуннинг ижтимоий фалсафий қарашларида муҳим аҳамиятга эга. Конфуций қарашларида жамиятни ислоҳ қилиш таклифлари берилган.

Калит сўзлар: Ибн Халдун, “Муқаддима”, ёввойлик, таваҳхуш, ибтидоийлик, бадавия, тамаддун, хадаро, “асабийя”, Конфуций ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий қарашлар, анъанавий конфуцийчилик, Жэнь – “инсоний ибтидо”, “инсонларга бўлган муҳаббат”, “шафқат”, “инсонпарварлик”, И – “ҳақиқат”, “адолат”, Ли – “анъана”, “урф-одат”, “удум”, Синь – самимийлик, эзгу фикр, эркинлик ва виждонлилик

ABSTRACT

This article discusses the comparative analysis of the social views of Abdurrahman ibn Khaldun, a great representative of Islamic thought, and the social views of Confucius, a great representative of Chinese philosophical thought. The category "Asabiyya" is important in Khaldun's social philosophical views. Suggestions for reforming society are given in Confucian views.

Keywords: Ibn Khaldun, "Introduction", wildness, tawahhush, primitiveness, Bedouinism, civilization, Hadaro, "asabiyya", Confucian ethical and socio-political views, traditional Confucianism, Jen - "human primitiveness", "love for people", "compassion", "humanity", I - "truth", "justice", Li - "tradition", "custom", "custom", Sin - sincerity, good opinion, freedom and conscientiousness

КИРИШ

Ибн Халдун ислом дунёсининг илмий ва ғоявий тарихида энг Таниқли шахслардан биридир. Бу шуҳрат, машҳурликни биринчи навбатда унинг китоби олиб келди. Бу китоб Шарқ ва ғарбнинг фикр осмонида бир ёрқин юлдуз мисоли чарақлади. Бу китоб орқали Ибн Халдун бир янги йўл очдики, биринчи даражали файласуф-муаррих ва социология асосчиси деган унвонга сазовор бўлди¹. Иккинчи унвонни гарчи баъзи изоҳлар билан қабул қилиш лозим бўлса ҳам.

Ибн Халдун ўтган воқеаларни баҳолашнинг оқилона критерийларини кўрсатиш учун, унча ишонч туғдирмайдиган бир неча тарихий ривоятларни келтириб, муаррихнинг ростгўйлиги ва холислиги масаласини кўтаришдан аввал, бундай ривоятлардан фойдаланиш нималарга олиб келишини таъкидламоқчи бўлади.

Биринчи навбатда, Ибн Халдун тамаддуннинг асосий қонунлари ва унинг шаклланишини тадқиқ этишга қизиқади. У жамиятларнинг қай ҳолда ибтидоий кўчманчилик ҳаётидан юқори маданиятли ҳаётга ўтишини билишга ҳаракат қилади. Маълумки,

¹ Ҳотамий Сайид Муҳаммад. Ислом тафаккур тарихи. Т.: “Минҳож”, 2003 й., 241-бет

мутафаккир турли хил давлатларда, жумладан, Андалузия, Иффрикия, Миср, Фарнота, Кастилия, Марокашда, шунингдек, Бану Хилол ва ад-Довудия каби араб ва барбар қабилалари ичида ҳаёт кечирган. Шунда у турли хил маданиятларни, яъни дабдабали, ҳашаматли шаҳар маданияти ва кўчманчиларнинг оддий ва қашшоқ ҳаётининг гувоҳи бўлди. Ибн Халдун бундан чуқур фарқларнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида бош қотирди. Мутафаккир ушбу фарқларнинг уч сабабини кўрсатади: Биринчи сабаби, қабила ва оиланинг алоҳида аъзоларини боғлаб турадиган ҳиссиёт ва фикрлар моҳиятини акс эттирувчи психологик, рухий ҳодисадир. Иккинчи сабаб, бу табиий ва географик шартлар билан, ҳунар, санъат, меҳнат тақсимоли билан узвий боғлиқ иқтисодий омилдир. Учинчи омил, бу ҳокимлар ва тобелар ўртасидаги муносабатлар, мулкни яратиш, ҳокимиятнинг шаклланишидан иборат сиёсий омилдир. Лекин Ибн Халдун юқоридаги фикрларни баён қилсада, ҳокимият характери ҳақида бу ерда сўзламайди.

Конфуцийчилик ягона, бир бутун таълимот эмас эди. У муайян жамият ташкилотининг назарияси сифатида ахлоқий қоидалар, ижтимоий меъёрлар ва бошқарувни такомиллаштиришга диққат-эътибор берган ва бу соҳада муҳофазакорона мавқеда турган ғоя эди. Конфуций ўзи ҳақида: “эскини баён этаман ва янгини барпо этмайман” деган эди. У ва унинг издошлари жамиятнинг ахлоқий таназулидан хавотирланиб, инсон тарбиясига асосий эътибор қаратиб, жамиятда бир-бирини кечириш муҳитини барқарор этишга ҳаракат қилдилар.

Хитойдаги тартибсизлик, сиёсий беқарорлик ва бошбошдоқликни тугатиш учун Конфуций ўзига хос чора-тадбирларни таклиф қилди. Юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун Конфуций сиёсий ва маънавий таълимотлардан ташқари соф ахлоқий тизимни илгари сурди. Конфуцийнинг фикрича, бунинг учун инсонларни тарбиялаб, уларни ахлоқий норма ларга риоя қилишга чақириш керак, шундан сўнг давлатнинг ўзи мувозанатга келади. Муаммоларни ҳал қилишда фақат сиёсат ва иқтисодиётга эмас, балки инсоннинг рухий-маънавий ҳолатига таяниб иш кўриш керак. Шу таҳлитда, Конфуций давлат аҳамиятига молик муаммоларни инсон омили кесимида ҳал этишга даъват қилади. Конфуций моддий ва руҳлар дунесини, Само билан мулоқотни тан олган ҳолда, кундалик ҳаётда оддий ахлоқий нормалар ва қоидаларга риоя этишни таклиф қилди. Бу ахлоқий нормалар, қоидалар, маросимлар муқаддас ҳодиса ҳисобланар эди.

Лекин энг оддий ахлоқий қоидаларни ҳам реал воқеъликка татбиқ этиш жуда қийин. Агар инсонга ўзини қандай тутишини батафсил тушунтирсангиз ҳам, у дарҳол ўзгармайди. Бунинг учун инсон руҳиятига алоҳида ёндашув керак ва бу ёндашувни Конфуций топди.

Конфуций Хитойнинг юнг қадимги эътиқод шаклларида бири ажодлар руҳига эътиқод қилишдан самарали фойдаланди. Қадимда яшаб ўтган қаҳрамонларнинг ҳаёти ва фаолиятдан намуна олиш, улардан нажот сўраш, мавҳум бўлган Самога сиғинишга қараганда реал воқеъликда муҳим аҳамият касб этди. Хитойда афсонавий ажодлар фаолиятига тақлид қилиш инсоннинг жамиятдаги фаолиятининг мезони ҳисобланади. Аждодлар руҳи Хитой миллатининг рамзига айланган. Кейинчалик Конфуций ҳам миллат рамзига айланди.

Конфуций таълимотида маросим(ритуал) инсон томонидан ўйлаб топилган ахлоқий норма эмас, балки Олий илоҳий кучлар томонидан инсонларга юборилган ва жамият томонидан қабул қилинган ахлоқий қоидалар тизими сифатида таърифланган. Маросим – табиат томонидан тақдим қилинган мустақил табиий ҳодисадир.

“Маросим” тушунчаси мураккаб ва кўп қиррали тушнча ҳисобланади. Конфуций маросимларга риоя қилиш қийин, чунки қадимги ажодларнинг ҳам ҳаммаси унга риоя қилишмаганлигини таъкидлаб ўтади. Ҳар бир инсон риоя этиши зарур бўлган муайян ахлоқий қоидалар мавжуд. Булар инсонпарварлик, бурч, садоқат, самимийлик, катталарга

хурмат ва кичикларга иззат каби ахлоқий категориялар. Конфуцийнинг ахлоқий таълимоти юқоридаги ахлоқий категорияларга таянган ҳолда кудратли ижтимоий ва сиёсий доктринага айланди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ибн Халдун инсон ибтидосининг ҳайвонот олами ичида булган вақтини ёввойилик (таваҳхуш) деб аташган. Инсон табиат қўйнида фаолият юритар экан, кичик жамиятларга (ижтимо) уюшиб яшай бошлашди. Ижтимо бу жамият, у ўз тараққиёти даврида икки босқични ибтидоийликни (бадавия) ва тамаддун (хадаро) босқичларини босиб ўтади². Яъни, Ибн Халдун жамиятни икки турга бўлади: маданий бўлмаган (яъни ёввойи) жамият ва маданий (яъни шаҳар) жамияти. Унинг фикрича, инсон табиатига кўра жамият ичига яшашга мажбурдир. Шунингдек, Ибн Халдун жамият шаклланиши ва яшашида диний алоқаларнинг мавқеини пасайтиради.

Ибн Халдун фикрича, ижтимоий тартиб-интизомни тиклаш ва жамиятни идора этиш табиий ҳодисадир. Бу ҳодисага ҳеч қачон пайғамбарликнинг барҳақлигини исботлаш далили деб муносабатда бўлишга йўл қўймаслик керак. Сабаби, инсонларнинг жамоа бўлиб яшаши, пайғамбарсиз ҳам мавжуд булиши мумкин, бундай жамиятлар пайдо бўлган ва бўлмоқда.

«Муқаддима»нинг иккинчи қисмида ёввойи жамият тадқиқига оид фикрлар баён этилган. Бу қисмида бир неча боблар бўйлаб бундай жамиятларнинг табиийлиги, ёввойилик руҳи арабларга хослиги ва ёввойи жамиятнинг маданий шаҳар жамиятига нисбатан бирламчилиги ҳақида гапирилади. Ибн Халдун ошкор баён этади: “Инсоният жамиятининг илдизи ва асослари саҳродаги ёввойи ҳаёт тарзидадир. Бу шунинг учунки, бадавийлар ҳаётни инсонинг энг асосий эҳтиёжлари чорчўбасидан ташқарига чиқмайди, ҳолбуки, шаҳар ҳаёти биринчи даражали зарурати бўлмаган нарсаларга эгалик қилиш иддоаси ва истаклари оқибатидир, ҳамда унинг натижасида пайдо бўлган хийла тараққий этган даврдир. Биринчи даражали ахамиятга молик зарурий нарсалар ҳаётда бўлмаса ҳам, аммо умр ўтказиш мумкин бўлган нарсаларга нисбатан бирламчи эканлиги сабабли, бадавийлик (кўчманчилик) ҳаёти амалда дарахтнинг илдизига ўхшайди, шаҳар ҳаёти эса унинг шохларидир”³.

Юқорида таъкидлаганидек, жамият ривожига икки босқич бор: ибтидоий (бадавия) ва тамаддун (хадаро). Ушбу босқичлар бир-биридан яшаш учун бўлган воситаларнинг характериға кўра фарқланади, яъни ибтидоийлик зироаткорлик, чорвачилик, термачилик, овчилик билан изоҳланса, тамаддун уларни тўлдириб келувчи ҳунарлар ва савдо билан изоҳланади. Шунингдек, улар истеъмол характериға кўра ҳам фарқландилар. Ибтидоийликда одамлар зарур неъматларни истеъмол қилса, тамаддун ҳолатида эса «фойда келтирувчи» ва «нозарурий неъматлар» билан ҳам кифоятланмайдилар. Бу шунинг учунки, одам меҳнат тақсмоти натижасида “ортиқча маҳсулот” ишлаб чиқара бошлади⁴.

Ибтидоийлик ва тамаддун инсоният жамиятининг сифат жиҳатдан фарқли бўлган икки босқичдир. Бу икки босқич ҳудудий жиҳатдан бир-бирига яқин жойда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Масалан: Арабистон ярим оролидаги кўчманчи қабилалари ва Меспотамия қадимий тамаддуни.

Юқоридагиларни мисол келтирган ҳолда, Ибн Халдун ибтидоийликдан тамаддунга ўтиш жамиятининг ички ривожига, ҳамда бошқа ҳудуд ҳосиласини забт этиш орқали ҳам амалга ошириш мумкин деб ҳисоблайди. Юқоридаги ҳолга қиёслаган ҳолда, Ибн Халдун жамият ҳаётини қишлоқ ва шаҳар ҳаётига бўлади. У бу ҳақда шундай дейди:

² Игнатенко А. А. Ибн Халдун о природе государства// Народы Азии и Африки, 1984 г. №1. с. 94

³ Хотамий Сайид Муҳаммад. Ислом тафаккур тарихи. Т.: “Минҳож”, 2003 й., 249-бет

⁴ Игнатенко А. А. Ибн Халдун о природе государства// Народы Азии и Африки, 1984 г. №1., с. 94

“Қишлоқ ҳаёти шаҳар ҳаётининг асоси, пойдеворидир. Бирор бир шаҳар аҳолисини ўрганар эканмиз, уларнинг ажодлари шаҳар атрофидаги ёки шу ернинг ўзидаги қишлоқдан бўлганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Хулоса қилсак бўладики, шаҳар ҳаёти шакли, қишлоқ ҳаёти шаклининг сўнгги босқичи демакдир”⁵. Ибн Халдун шаҳарда меҳнат шаклининг ташкил этилишини ишлаб чиқаришнинг олий юксак формаси деб билган. Шаҳар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши жараёнида моддий ва маънавий кадрларни шакллантириш усуллари мукаммалашади, инсон эса жамият ривожини юқори поғоналарига кўтарилади.

Ишлаб чиқариш қуролларининг ривожланиши ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг вужудга келиши маҳсулот айирбошлаш имкониятларини кенгайтиради.

Инсон меҳнат қилар экан, жамоа ишлаб чиқариши натижасида фойда ва истеъмолдан ташқари маҳсулот ортиб қола бошлади. Ибн Халдун инсон меҳнати натижасида жамият тараққиётининг асосий омили бўлган ортиқча маҳсулот пайдо бўлди дейди. Шунингдек, мутафаккир қиймат тушунчасига ҳам катта аҳамият беради. Ибн Халдун қиймат тушунчасига қишлоқ хўжалигини, хунанмандликни ва савдони ҳаракатлантирувчи жамият меҳнатининг ифодаси сифатида қарайди⁶.

Ибн Халдун инсон ишлаб чиқарувчи ва мулкдор бўлгандагина, ижтимоий мавжудот бўла олади деб ҳисоблайди. Мулкка эгаллик ҳуқуқини мутафаккир, инсоннинг муқаддас ҳуқуқларидан биридир деб ҳисоблайди. Ибн Халдун жамиятининг шаклланиш жараёнини одамларнинг хусусий мулкчилик ҳуқуқини таъминлашга боғлиқ бўлган иштиёқ билан боғлади. Ҳақиқатдан ҳам, шундай гап бор: Хусусий мулкчилик ибтидоий жамоа тузумининг гўркови, давлатчиликнинг асоси бўлди. Ибн Халдун кимки мулкчиликни қўллаб-қувватласа, у адолатлидир деб билади⁷.

Ибн Халдун жамият ҳақида фундаментал фикрларини давом эттиради. Мутафаккирнинг фикрича, таассуб жамият ҳаётининг асоси, яъни пойдеворидир⁸. “Таассуб”, “асабийя” атамалари араб тилидан келиб чиққан. “Таассуб” сўзи, “таассаба” V боб феълнинг масдар шаклидан бўлиб, таржимаси «Ватан, миллатга бўлган оташин муҳаббат, фанатизм» демакдир.

Ибн Халдун «асабийя» атамасини қуйидаги маъноларда қўллайди:

1. Қон -қариндошлик алоқаси .

2. Қон-қариндошлик муносабатлари орқали боғлиқ бўлган одамлар гуруҳи.

3. Қон-қариндошлик асосида шаклланган бирдамлик ҳиссиёти⁹. Ибн Халдун ижтимоий ҳаётнинг тартибнинг бўртиб турувчи ўзак омили таассуб деб билади. Энди «асабийя», яъни «таассуб» тушунчасининг моҳиятини ва жамият ҳаётидаги ўрнини ўрганиб чиқамиз.

Жамият ибтидоийликдан тамаддунга ўтар экан, шу билан бир вақтда, бу жараён ибтидоий демократия ва тенгсизлик муносабатларидан бўйсуниб, бошқариш муносабатларига ўтишини ҳам ўзида ифода этади. Ибтидоийлик босқичида одамларни боғлаб турадиган муносабатларни Ибн Халдун «асабийя» деб номлаган¹⁰. Бу тушунча қабила, уруғ ва уларнинг бирлашмаларини ўзида ифода этади. Бошқа жихатдан, «асабийя» одамлар ўртасидаги қон -қариндошлик муносабатлари асосида шаклланадиган алоқадир. Бу фақат бир қабила ёки уруғни бирлаштирадиган «қон садоси» эмас. Одамларнинг

⁵ Кубаева Г., Кушанов Ш. С. Идея историко-философии Ибн Халдуна.// www.ncstu.ru

⁶ Ўша манба

⁷ Игнатенко А. А. Ибн Халдун о природе государства// Народы Азии и Африки, 1984 г. №1. с.94

⁸ Ҳотамий Сайид Муҳаммад. Ислом тафаккур тарихи. Т.: “Минҳож”, 2003 й., 250-бет

⁹ Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока: Ибн Халдун «Введения». М., 1965 г., с. 570

¹⁰ Ибн Халдун. Ал-Муқаддима. Ал-Қоҳира: Дор ал-китаб Ал-Мисрий ва ал-Лубнаний, 1999 м., 45-бет

бирлашмалари уруғни, қариндошчиликни англашга олиб келади. Бу бирлашма, иттифоқлар турли хил шаклларни ўзида ифода этиши мумкин: Хилф (бир қанча уруғ ва қабилаларнинг иттифоқи), истисно (натурализация яъни бегоналарни қабиллага қабул қилиш), рикқ (қулчилик, тўғрироғи чет элликларга ҳомийлик) “вила” ёки “вилая” (бутун бир уруғ ёки қабиллага ҳомийлик)¹¹. Шундай қилиб, “асабийя” қон-қариндошлик, иттифоқ алоқа бирлигидир. У яъни, “асабийя” типдаги гуруҳлар ичидаги бошқарув оқсоқоллар томонидан бошқарилар эди. Оқсоқоллар ҳокимияти жамоа олдидаги ҳурматга асосланади. Жамоа муҳофаази ёш ва кучли гуруҳ томонидан ташкил қилинади. Нисбий тенглик муносабати ҳомийлик остидагилар, қулар ва иттифоқчиларга ҳам тадбиқ этилади¹². Расман улар “асабийя”нинг тенг ҳуқуқли қисмини ташкил этарди, лекин амалда уларнинг қабилла ичида ҳуқуқлари чекланган эди. Қабиллага қабул қилинган (мулсақ) қабилла йўлбошчиси бўлиши мумкин эмас эди, чунки қабилла оқсоқоллиги “нисаб” оқсуяк оилалар ичидаги ворисликка қараб белгиланар эди. Асабия муносабатлари нисбатан тенгликка асосланганлиги учун, у нотенг муносабатларга айланиши мумкин эди. “Муқаддима” муаллифи ҳамма аъзоларининг тенглигига асосланган “асабия” гуруҳларининг бирлиги ва бошлиқнинг шахсий сифатларига асосланган бошқарувнинг зарурияти ўртасидаги диалектик боғлиқликка урғу бериб утади. Ибн Халдун жамоадаги йўлбошчини “матбу”, яъни “зўрликсиз бошқарувчи киши” деб атади¹³. Ўзини бошқарув эса тенгсизликка асосланади, чунки раҳбарлик қилиш мажбурлашни талаб қилади. Уруғ ўртасидаги алоқалар кучли бўлсада, секинлик билан “раҳбарлик-эргашиш” муносабати “ҳукмронлик-тобелик” муносабатига айланади. Лекин нима учун уруғ, раҳбариятнинг нисбий танглиги, бошқалар устидан ҳукмронликка айланади? Бунга жавобни биз “асабийя”нинг антитезаси, яъни “қарама-қарши” тушунчаси “мулк”ни ўрганиб чиқиб топамиз.

Ибн Халдун мулк тушунчасини икки хил маънода “ҳокимият-мулк” ва “ер-мулк” маъноларида ишлатади. Ибн Халдун таассубга таъриф бериб, шундай дейди:

“Одамлар ўртасидаги қон-қариндошлик алоқалари, баъзи ҳолларни истисно қилганда, бу табиий ҳодиса, бундан кишининг қариндошлари ва яқин кишилари ҳаёти, мол-мулки, орномусига тажовуз ва хавф таҳдид солганда, ғамхўрлик қилиши келиб чиқади”¹⁴.

Маълумки, қон-қариндошлик ва уруғ қабилачилик муносабатлари баъзан шунчалик яқин бўладики, биргина шунинг ўзи бирлашиб кетишга сабаб булади, баъзан эса муносабатлар узоқ бўлсада, аммо қабилачилик манфаатларининг мос келиши бутун бир халқнинг яқдил бўлиб бирлашишига сабаб бўлади. Дўстлик муносабатлари ҳам шундай. Ибн Халдун мустаҳкам қон-қариндошлик алоқалари намунасини бадавий арабларда ва бошқа кўчманчиларда кўриши мумкин. Чунки уларнинг ҳаёт тарзи уруғ ва қабилалар аро никоҳлар натижасида наслларнинг аралашиб кетиши, қариндошлик ипларининг узилишига монъелик қилади деб ишонади¹⁵.

Конфуций оиладаги ахлоқий қоидаларни давлат даражасига олиб чиқди ва “Бутун дунё – ягона давлат” ғоясини илгари сурди. Бу ерда “Бутун дунё” сифатида Хитой назарда тутилмоқда. Мамлакатдаги уйғунликнинг кафолати ҳар бир инсоннинг жамиятда ўз ўрнига эга эканлиги билан белгиланди. Конфуций бу ҳолатни, яъни инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий тамойилларини “да лунь”, деб номлади. Бу муносабатларнинг асоси сифатида инсонпарварлик белгиланди. Конфуций ахлоқшуносликнинг олтин қоидаси бўлган “Ўзинга тираво кўрмаган нарсани, бировга ҳам раво кўрма” қоидасини илгари сурди.

¹¹ Игнатенко А. А. Ибн Халдун о природе государства// Народы Азии и Африки, 1984 г. №1., с. 95

¹² Ўша асар, 95-бет

¹³ Игнатенко А. А. Ибн Халдун о природе государства// Народы Азии и Африки, 1984 г. №1., с. 96

¹⁴ Ибн Халдун. Ал-Муқаддима. Ал-Қоҳира: Дор ал-китаб Ал-Мисрий ва ал-Лубнаний, 1999 м., 50-бет

¹⁵ Ҳотамий Сайид Муҳаммад. Ислом тафаккур тарихи. Т.: “Минҳож”, 2003 й., 251-бет

Конфуций одобри, ахлоқли инсоннинг беш доимий фазилати сифатида куйидагиларни келтиради:

Жэнь – “инсоний ибтидо”, “инсонларга бўлган муҳаббат”, “шафқат”, “инсонпарварлик” маъноларини ифодалайди. Жэнь инсондаги инсонийликнинг ибтидоси бўлиб, айна вақтда унинг бурчи ҳисобланади. Инсон ўз-ўзини, ўзлигини шакллантириб боради. Ли Идан келиб чиқади, И эса ўз навбатида Жэндан шаклланади. Жэнга риоя қилиш, инсонларга муҳаббат билан муносабатда бўлиш ва ғамхўрлик қилиш демакдир. Британияда XVII асрда мукаммал, комил инсон ғояси шаклланди ва у жентльмен, деб таърифланди. Бу фазилат инсонни ҳайвонот олаmidан ажратиб турувчи сифат, деб баҳоланди. Кейинроқ Жэнь фазилатининг рамзи сифатида дарахт белгиланди.

И – “ҳақиқат”, “адолат” маъносини англатади. Инсон шахсий манфаатлари доирасида Ли га риоя қилиш гуноҳ ҳисобланмасда, адолатли инсон Ли га ахлоқий қоидага мувофиқ риоя қилади. И ўзаро муносабатга асосланади, инсон ота-онасини ўзини тарбия қилиб, вояга етказганлиги учун миннатдорлик муносабатида бўлиши адолатли ҳолат ҳисобланади. И Жэнга тенглаштирилади ва олийжаноб инсонга зарур бўлган қатъийлик, собитликни шакллантиради. И худбинликни инкор қилади. Олийжаноб инсон И ни қидиради, пасткаш инсон эса фойда, манфаатни излайди. И металл рамзи билан ифодаланади.

Ли – “анъана”, “урф-одат”, “удум” маъноларини англатади. Ушбу фазилат ота-она, ҳукмдорга бўлган эҳтиром каби анъаналарга, удумларга риоя қилишни, содиқ бўлишни ўзида ифода этади. Умумий олиб қараганда, Ли жамиятнинг мавжуд устунларини сақлаб қолишга қаратилган, муҳофазакорлик(консерватив) руҳдаги ситалган фаолиятни ўзида ифодалайди. Ли нинг рамзи олов ҳисобланади. Ли атамасининг “қоида”, “маросим”, “одоб”, “удум” каби бошқа маънолари ҳам мавжуд. Маросим, удум истилоҳлари ўзида жамиятдаги муайян ахлоқий ва намунали ҳатти-ҳаракатлар йиғиндисини англатади. Уни ижтимоий тирик организмнинг хусусияти сифатида баҳолаш мумкин.

Чжи – тўғри тафаккур, мулоҳазакорлик, донишмандлик маъноларини англатади. Чжи инсонни ўз фаолиятини тўғри тафаккур қилган ҳолда юритишини таъминлайди. Чжи фазилати И билан тенг мувозанатда бўлиб, қайсарликнинг салбий жиҳатларидан инсонни огоҳлантиради. Чжи нодонлик ва ахлоқликни инкор қилади. Конфуций таълимотида чжининг рамзи сув ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда чжи билимдир.

Синь – самимийлик, эзгу фикр, эркинлик ва виждонлиликни ифодалайди. Синь Ли га тенглаштирилади ва иккиюзламачиликдан инсонни огоҳлантиради. Синь ер элементида мувофиқ келади.

Юқоридаги ахлоқий категориялар удум ва маросимлар жараёнида ҳаётга татбиқ этилади, улар жамиятда тарбияни, таълимни ва маданиятнинг шаклланишини таъминлайди. Юқоридаги ахлоқий категориялар Конфуций таълимотида алоҳида хусусиятларига мувофиқ таснифланмаган. Ахлоқий категориялар Вэнь категориясининг таркибига киритилган. Вэнь атамасини инсон борлигининг маданий қирраси сифатидаги тарбиялилик фазилати деб изоҳлаш мумкин.

Ҳар бир ўзини ҳурмат қилган инсон маросим ва удумларга риоя қилиши керак. Олийжаноб киши ғояси юқори маданиятга эга инсонни назарда тутаяди. Олийжаноб киши ҳақида куйидагича фикр юритилади: “Олийжаноб киши таом, озиқ-овқат ҳақида ўйламайди, у фақат Йўл, “Дао” ҳақида ўйлайди. Инсон очарчиликдан қўрққани учун зироаткорлик билан шуғулланади, амалга эришиш, яхши ҳақ олиш учун билим олади. Олийжаноб киши эса кашшоқликдан қайғурмайди, у Дао ҳақида қайғуради”.

Инсонда маданиятликнинг яна бир мезони бор, бу мезонни, ўлчовни билиш билан изоҳланади. Ҳайвон ўлжани, озукани кўрар экан, уни ҳоҳлаганча ейишга интилади. Йиртқич ўлжасини ўзининг силласи қуриб йиқилишига қадар таъқиб қилишга ҳаракат қилади. Инсон

эса улардан фарқли равишда ўзининг ўлчовини, мезонини билиши зарур. Буни Конфуций “Олтин ўрталик”, деб номлаган.

Конфуцийнинг таъкидлашича, “олтин ўрталик” эзгулик тамойили бўлиб, халқ уни аллақачон эрдан чиқарган. Мутафаккир ўзи ҳақида ҳам танқидий фикр билдириб ўтган.

Конфуций ўзини олийжаноб киши, деб билмаган. Мутафаккир қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: “Олийжаноб киши олдида танлаши керак бўлган уч йўл мавжуд. Мен уларнинг ҳеч биридан охиригача ўта олмадим. Бу уч йўлда уч хил хусусият бор, инсонпарварлик инсонни ҳавотирдан халос қилади, билим эса шубҳадан ҳоли қилади, ботирлик эса инсонни қўрқувдан халос қилади”.

Демак, Конфуций фикрича, инсон олдида зоҳид бўлиш(инсонпарварлик), амалдор бўлиш(билим) ва ҳарбий саркарда бўлиш(ботирлик) йўллари танлаш қўйилган экан. Лекин Конфуций, дарҳақиқат, юқоридаги ҳеч бир йўлни танламади, у устоз, ўқитувчи бўлди.

Конфуцийнинг фикрлари ўз шогирдлари билан қилган суҳбатлари тарзида сақланиб қолган. Унинг суҳбатлари мазмуни ўз ифодасини топган “Суҳбатлар ва ҳукмлар” (Лунь юй) китоби энг ишончли манбадир; Конфуций ўзини қадимги аждодлар донишмандлигининг сақловчиси ва шарҳловчиси сифатида танитган. У ўз замондошларини Қадимги Хитойнинг афсонавий ҳукмдорлари бўлган Яо, Шунь ва Юйлардан ўртак олишга чақирган. Уларнинг хайрли ишлари ҳақидаги хикоялар авлодлардан авлодларга ўтиб келган эди.

Ижтимоий бурчга содиқлик ва холислик билан ном чиқарган ҳукмдор Яо халқни маърифатли қилган, барчага меҳр билан қараб, фуқаролик ва қонунчиликни жорий этган. Унинг ҳукмронлиги даврида уйларнинг эшиги қулфланмаган, йўқолган нарсалар эса, эгаларига қайтарилган.

ХУЛОСА

Ибн Халдун “Муқаддима”сида мулкнинг шаклланишини ёки қабила аъзолари ўртасидаги мулк ва тенгсизлик муносабатларини очиб берди. Ибн Халдун тамадун ва “ҳокимият-мулк” ўртасидаги алоқага аҳамият берди. Агар ибтидоийлик ва тамадунни диахрон, яъни бирин-кетин келадиган босқич, ёки синхрон, яъни бир вақтда мавжуд сифатида қараса, тамадунга ўтиш омили мулкнинг шаклланишидир. Шундай қилиб, асабийя ахир оқибат мулк шаклланишига олиб келади, шунингдек қабила ёки уруғда ҳукмронлик ва тобелик муносабатларини вужудга келтиради¹⁶. Ибн Халдун мулкнинг нафақат ортқча маҳсулотнинг вужудга келишининг натижаси, балки одамларнинг ҳокимият, бойликка бўлган табиий интилиши натижаси ҳам деб билади.

У ҳолда, тарихни мулкни бир субъектдан иккинчи субъектга ўтиш жараёни ёки қайта тақсимоти дейиш мумкин¹⁷. Бу тақсимот ибтидоийликдан тамадунга ўтиш чоғида, масалан, кўчманчилар томонидан “маданий” инсонларга тегишли мулкнинг эгалланишида рўй беради. Лекин тамадун ортқча маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши натижасида яшашда ва ривожланишда давом этади. Шунинг учун мулк янги таассуб вакиллари ўртасида тақсимлансада, тамадун сингари фақат ўсиш ҳолатида бўлади.

Конфуцийнинг ахлоқий-сиёсий таълимоти қандайдир назарий билиш асосига таянмайди. Билим (чжи) ва унинг келиб чиқиш масаласини Конфуций қадимги китобларни ўрганиш ва қадимги аждодлар тажрибасидан иқтибос қилишда, деб билди. Унингча, билимнинг асосий манбаси ўқишдир ва унинг манбаси эса, қадимги ривоятлар ва солномалардир. Шунинг учун конфуцийчиликка жамият тараққиётидаги илгариги ва янги тажрибага танқидий муносабатда бўлиб, улардан хулосалар чиқариш ёт эди. Табиатшунослик фанларига умуман эътибор берилмаган эди. Ҳар қандай янги ҳодиса эскига

¹⁶ Игнатенко А. А. Ибн Халдун о природе государства// Народы Азии и Африки, 1984 г. №1., с. 96

¹⁷ www.trincoll.edu/depts/phil/philo/phils/muslim/khaldun.html

тажриба нуктаи назаридан баҳоланар ва ўтмишга бориб тақалар эди. Масаланинг бундай қўйилиши Хитой ўтмишини идеаллаштиришга олиб келди. Конфуцийчилик таълимоти муҳофазакорона фикрлар таянчига айланди. Эрамиздан олдинги 200- йил билан эрамизнинг 220 йилигача бўлган даврда конфуцийчилик дин сифатида ҳам шаклланди. Ўзининг мазмунига кўра конфуцийчилик диний маросими Қадимги Хитойда ташкил топган оилавий-уруғчилик урф-одатларини қонунийлаштириб, қадимги қонун ва кўрсатмаларга қатъиян риоя этиш талаби билан чиқди. Улардан энг муҳими аждодларга сиғиниш эди. Конфуцийчиликнинг диний эътиқодига кўра, аждодлар руҳини хурматлаш ва ўғиллик эҳтироми («сяо») инсоннинг бош мажбуриятидир.

Анъанавий конфуцийчиликнинг асосий тушунчалари қуйидагилар: «Ли» - урф-одат ва маросимларга риоя этиш, удум; «Ци» - ахлоқий меъёрларни амалга ошириш; «Инь» - ижобий ибтидо, «Ян» - салбий ибтидо, «Дао» - осмон, коинот йўли бўлиб, муайян тартиб ва қонунга биноан мавжуд, унинг ифодаси эса инсоннинг хулқ-атвори бўлиши лозим, «Чжен» - инсонпарварлик, «И» - бурч, «Син» - самимийлик ва баъзи бошқалар.

Конфуцийнинг ахлоқий қарашлари бутун Хитойнинг ривожланишига ва тараққиётига ижобий таъсир қилди. Конфуций ғоялари Хитойда ягона маданият ва миллат шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Конфуцийнинг ахлоқий таълимоти нафақат Хитой, балки Корея, Япония, Вьетнам каби мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётига асрлар мобайнида кучли таъсир ўтказиб келди.

Абдурахмон ибн Халдун ижтимоий қарашларида қон-қардошлик тамойилларини жамият ва давлат ривожланишинининг асоси сифатида мулоҳаза юритса, Ли Юлгок конфуцийчилик асосидаги ахлоқий тамойилларни жамият ва давлат тараққиётининг асоси сифатида мулоҳаза юритади.

Ибн Халдуннинг жамият ҳақидаги қарашларининг объектив хусусияти бизнинг давримизга келиб, унинг қийматини ошириб юборди. Мутафаккирнинг жамиятнинг вужудга келиши, тараққиёти, тузилмалар тўғрисидаги фикрлари, иқтисодий асослари, географик омилларга оид қарашлар, унинг рал ҳаётдаги кузатувлари натижаси десак хато бўлмайди.

Унинг қарашлари турли оқимлар томонидан турлича талқин қилинган. Ибн Халдунни ҳатто жамият ривожининг циклик характери, сабаб-оқибат муносабатлари, ортиқча маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жамият тараққиётидаги аҳамиятига доир фикрлари сабаб, “Араб Маркси”, “Марксгача бўлган марксист”, “Араб Монтегкесеси” деб аташди. Лекин Ибн Халдуннинг жамият ҳақидаги қарашларида циклик ривожланиш назариясининг Европадан аввал, XIV асардан илгари сурилганлиги диққатга сазовордир.

REFERENCES

1. Sulaymonov, J. (2021) ABDURAHMON IBN XALDUNNING TAMADDUN TARAQQIYOTI HAQIDAGI QARASHLARIDA JAMIYAT TAHLILI//*Academic Research in Educational Sciences*, Vol. 2 Special Issue 1, 2021. 451-455 R.
2. Sulaymonov, J. B. (2021). IBN XALDUNNING „MUQADDIMA“ ASARIDA JAMIYAT TARAQQIYOTIGA TA’SIR QILUVCHI OMILLAR TALQINI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(4), 732-737.
3. Sulaymonov, J. Karimov, N. Contribution of Abu Isa Tirmidhi to the Science of Hadith //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN: 2278-3075, Volume-9 Issue-1, November, 2019. P. 593-599.
4. Sulaymonov, J. B. (2021). ABU ZAYD ABDURAHMON IBN XALDUNNING „MUQADDIMA“ ASARIDA DAVLAT TUSHUNCHASIGA YONDASHUVLAR TALQINI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(6), 9-14.

5. Sulaymonov, J.B. Ibn Xaldun ijtimoiy-falsafiy qarashlarida axloqiy masalalar//Falsafa va huquq jurnali. 2019 yil 1-soni. 42-45 betlar.
6. Sulaymonov, J.B. Ibn Haldun qarashlarida geografik determinizm ildizlari //Sharqshunoslik jurnali. 2018 yil 4-soni. 124-128 betlar.
7. Сулаймонов, Ж. Б. (2020). Взгляды Абдурахмана ибн Халдуна о развития общества и цивилизации. *Международный научно-практический журнал " Экономика и социум, 12, 79.*
8. Ergasheva, F., & Sulaymonov, J. (2022). MUHAMMAD RIZO OGANIY IJODIDA AXLOQIY MASALALAR TAHLILI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(2), 742-747.*
9. Quvvatov, J. U. O. G. L., & Sulaymonov, J. B. (2022). YUNUS EMRE IJODIDA VAHDAT UL-VUJUD VA TAVHID MASALASI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(2), 964-968.*
10. Ergasheva, F., & Sulaymonov, J. (2022). MUHAMMAD RIZO OGANIY IJODIDA AXLOQIY MASALALAR TAHLILI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(2), 742-747.*
11. Сулаймонов, Ж. Б. (2022). АБДУРАҲМОН ИБН ХАЛДУН ИЖТИМОЙ ҚАРАШЛАРИ ВА ЛИ ЮЛГОК ИЖТИМОЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(6), 1477-1483.*